

Сийрат дарслари (238-дарс) Ислоннинг қайси амали яхшироқ?



19:00 / 14.07.2023 3461

245. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ислоннинг нимаси (қайси амали) яхшироқ?» деб сўради. **«Таом беришинг ҳамда таниган ва танимаган одамнингга салом беришинг»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

246. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир мажлисда эдик. Шунда у зот айтдилар: **«Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик ва Аллоҳ ҳаром қилган жонни**

ноҳақ ўлдирмасликка менга байъат қиласизлар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган:

«Болаларингизни ўлдирмаслигингиз, қўл ва оёқларингиз орасидан тўқилган бўҳтон келтирмаслигингиз ва маъруф ишда осий бўлмаслигингиз ҳақида менга байъат қилинг. Бас, сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйиб, дунёда уқубатини олган бўлса, бу унинг учун каффоротдир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйсаю, сўнгра Аллоҳ уни беркитган бўлса, у Аллоҳга ҳавола - хоҳласа, уни афв қилади, хоҳласа, иқобга олади», дедилар. Шунда биз у зотга шу ҳақда байъат қилдик».

Бухорий ривоят қилган.

247. Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёрдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар орасида ўтирган эдилар. Бир одам келиб, пинҳона гап айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овоз чиқармагунларича нимани сирлашишгани билинмади. Қаралса, у мунофиқлардан бирини қатл қилишга изн сўраётган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овоз чиқариб: **«У «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-Расулуллоҳ» деб шаҳодат келтирадими?»** дедилар. «Ҳа! Аммо унинг шаҳодати ҳақиқий эмас», деди ҳалиги киши. **«Намоз ўқийдими?»** дедилар. «Ҳа! Аммо унинг намози ҳақиқий эмас», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уларни қатл қилишдан Аллоҳ мени қайтарган»,** дедилар».

Молик, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

248. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қийинчилигу осонликда, ғайрат келиб тургандаю малол келиб турганда, ўзимиздан бошқани устун қўйилганда ҳам қулоқ осиб, итоат қилиш, ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик, қаерда бўлса ҳам Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан қўрқмай ҳақни гапириш ҳақида байъат қилдик».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.